

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСРАИЛОВ ИНОМ АБДУРАХМОНОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ШАРОИТДА ДОН-ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРДАН
ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

УЎТ: 633.655.621.51.852.53.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)
on agricultural sciences**

Исраилов Ином Абдурахмонович

Суғориладиган шароитда дон-дуққакли экинлардан юқори ва сифатли
ҳосил етиштириш технологиясини такомиллаштириш 3

Исраилов Ином Абдурахмонович

Совершенствование технологии выращивания высокого и
качественного урожая зернобобовых культур в условиях
орошения 29

Israilov Inom Abduraxmonovich

Improving the technology of cultivation high and quality yield from grain-
leguminous crops in irrigated conditions 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСРАИЛОВ ИНОМ АБДУРАХМОНОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ШАРОИТДА ДОН-ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРДАН
ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.DSc/Qx.186 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdau.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Атабаева Халима Назаровна қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Махматмуродов Алишер Улмасович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Халилов Насриддин қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ёрматова Дилорам қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

Фан доктори (DSc) диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил 5 апрель, соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси. 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: taug-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, мажлислар зали.

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№552099-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси. 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2025 йил 14 мартда тарқатилди.
(2025 йил 14 мартдаги 13-рақамли реестр баённомаси.)



U. Norqulov **У.Норкулов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор.

A.A. Kurbonov **А.А.Курбонов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., доцент.

M.S. Rahmankulov **М.С.Рахманкулов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг юқори қийматли озиқ-овқат маҳсулотлари ва оқсилга бўлган эҳтиёжини қондиришда дуккакли дон экинлари, жумладан соя ва мош экинларининг дон ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, дунё деҳқончилигида соя экин майдони бўйича дуккакли дон экинлари ичида биринчи ўринни эгаллайди ва қарийб 135 млн.га, мош эса 8 млн.га дан ортиқ майдонда етиштирилади¹. Энг асосий соя етиштирувчи давлатлар Бразилия (39 %), АҚШ (29 %), Аргентина (12 %), Хитой (5 %) ва Ҳиндистон (3,0 %) ² бўлиб, энг асосий мош етиштирувчи давлатларга Ҳиндистон, Мянма, Хитой, Индонезия, Покистон киради. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра ҳозирги пайтда дунёда миллионлаб кишилар тўйиб овқатланмайди. Бу муаммони ҳал қилиш, умуман аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, чорвани ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш мақсадида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиб соя ва мош етиштиришда илмий асосланган агротехнологияларни жорий этиш, экинлар ҳосилдорлиги оширувчи ва дон сифатини яхшиловчи ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Дунё деҳқончилигида энергия, ресурс, маблағ тежамкор замонавий технологияларни жорий этиш, куёш энергиясидан самарали фойдаланган ҳолда бир йилда қишлоқ хўжалик экинларидан икки ва уч марта ҳосил етиштириш ва шу орқали аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, экологик тоза маҳсулот етиштириш, оқсил тақчиллиги муаммосини ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, соя ва мош экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган инновацион технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда республикада соя экини 132628 гектар, мош эса 14002 гектар асосий экин ва 206172 гектар такрорий экин сифатида ҳамда 7866 гектар боғ ва токзорлар орасидаги майдонларда етиштирилмоқда. Ўзбекистон мош экспорти бўйича ҳозирги пайтда дунёда иккинчи ўринни эгаллайди³. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон фармонида мувофиқ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш”га алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга

¹ <https://www.aciar.gov.au/media-search/blogs/future-mungbean-international-mungbean-congress-2024>

² <https://fas.usda.gov/data/production/commodity/2222000>

³ <https://www.tridge.com/intelligences/mung-bean/export>

қаратилган муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган. Шу жиҳатдан республикамизнинг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида соя ва мош навларидан юқори дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш муддати, усули, меъёри, нитрагин қўллаш, такрорий экин сифатида етиштиришнинг илмий асосланган агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш аграр соҳанинг олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таррақиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги 259-сон “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V-“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Дон-дуккакли экинлардан соя ва мошнинг ўсиши, ривожланишини жадаллаштириш, ҳосилдорлик имкониятлари, сифат кўрсаткичларини оширишга ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан The United States Department of Agriculture - Agriculture Research Service (USDA-ARS), National University of Agricultural Technologies (Аргентина), Paulista Agriculture Technology Agency (Бразилия), Department of Agriculture and Agri-Food Agriculture Agroatimentare Canada (Канада), Indian Agricultural University (Ҳиндистон), В.С.Пустовойт номидаги Россия мойли экинлар илмий тадқиқот институти (Россия), Украина Аграр Фанлар Академияси (Украина), Niigata University (Япония), Hailuysan Agriculture Academy (Хитой), Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Шолічилик илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университетиди (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

The United States Department of Agriculture (USDA) сўнгги йилларда асосий эътибор экологик тоза маҳсулотлар етиштириш ҳамда органик деҳқончиликни ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, соя селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиясига катта эътибор берилган. Brazilian Department of Agriculture соҳасидаги илмий тадқиқот институтларида асосий эътибор ҳосилдорлиги юқори бўлган соя дурагайлари яратишга ва биотехнология ютуқларидан фойдаланишга,

ирсий модификацион организмлар (ГМО) яратишга қаратилган. Indian Agricultural University (Ҳиндистон)да илмий тадқиқот ишлари асосан мош ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш, ўсимликни иссиққа ва кўрғоқчиликка чидамлилигини оширишга бағишланган. Россия мойли экинлар илмий тадқиқот институти (Россия)да соянинг коллекция навуналаридан фойдаланиб ҳосилдорлиги, оқсил ва мой миқдори юқори бўлган навлар яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, Шолчилик илмий-тадқиқот институти ва Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтилари (Ўзбекистон)да соя ва мош навларини яратиш, янги навлар агротехикасини ишлаб чиқиш, дон сифатини яхшилаш, дон таркибидаги мой ва оқсил миқдорини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилган.

Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда аҳолини оқсилга бой сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида дон-дуккакли экинларни етиштиришда тупроқ унумдорлигини ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича: кузги дон экинларидан бўшаган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда такрорий экинларни етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларни қўллаш, экологик тоза маҳсулот ҳамда соя ва мош навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган мақбул агротехнология элементлари ва агротадбирларни илмий асослаш ва ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда турли тупроқ иқлим шароитида ва навнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда соя ва мош экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларини ўрганиш бўйича S.L.Clement, Carolina Astudillo-Reyes, A.Rivera, M.Plans, J.Sabaté, F.Casañas, E.Bitocchi, E.Bellucci, A.Giardini, D.A.Baum, S.D. Smith, A.J.Cortés, F.Monserrate, J.Ramírez, J.Salcedo-Castaño, Araya-Villalobos, P.N.Sharmалар илмий тадқиқот ишларида, механизацияга яроқлилигининг пастки дуккакнинг жойлашув баландлиги билан боғлиқлиги В.Ф.Баранов, С.М.Березовская, Н.Ф.Гринев, А.Й.Некрасов, М.В.Трунова, А.В.Кочегура, Н.Ф.Григорчук, А.Н.Созонова тадқиқотларида, соя дони таркибидаги оқсил ва мой миқдори В.В.Толоконников, Л.Й.Новикова, И.В.Сеферова, А.Й.Некрасов, И.Н.Перчук, Т.В.Шеленга, М.Г.Самсонова, М.А.Вишнякова, О.В.Литвиненко, Й.С.Стаценко, Н.Й.Корнева, Г.В.Кубанкова, Г.А.Кодирова, N.Bellaloui, H.A.Bruns, H.K.Abbas, A.Mengistu, D. K.Fisher, K.N.Reddy, W.Song, R.Yang, T.Wu, C.Wu, S.Sun, S.Zhang, T.Han сингари хорижий олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Республикамизнинг суғориладиган майдонларида асосий ва такрорий экин сифатида дон ва дуккакли дон экинлари етиштириш бўйича Х.Н.Атабаева, Д.Ёрматова, М.Маннопова, Р.Сиддиқов, Н.Халилов, Б.Халиков, Н.Ўразматов, М.Сатторов, С.Негматова, Ф.Намозов, А.Иминов,

Н.Умарова, Н.Равшанова, Л.Халилова каби олимлар томонидан кенг камровли тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқли ерларда асосий ва такрорий экилган соя ва мош экинларида мақбул экиш муддатлари, меъёрлари, усуллари ҳамда минерал ўғит ва нитрагин қўллашнинг илмий асослари ишлаб чиқилмаган ҳамда етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Ўсимликшунослик ва мойли экинлар кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Дала экинларининг замонавий етиштириш технологияларини яратиш ва такомиллаштириш” мавзуси (2011-2015, 2016-2020 йй.) ҳамда №КХА-7-040 “Соя навларини типик бўз тупроқ-иқлим шароитида тупроқ унумдорлиги ва дон ҳосилдорлигини оширишда асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” (2009-2011 йй.), №КХА-9-138-2015 “Соя навларининг ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига экиш усуллари, туп сони ва кам заҳарли ривожланишни тезлаштирадиган препаратлар меъёрининг таъсирини ўрганиш ва мақбуллари аниқлаш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида соя ва мош навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган мақбул агротехнология элементлари ва агротадбирларни илмий асослаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида соя навларини такрорий экин сифатида етиштиришда минерал ўғитлар билан озиклантириш, нитрагин қўллашни ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолиятига ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида соя навларини асосий экин сифатида етиштиришда экиш усули ва меъёрларини ўсимликнинг морфобиологик хусусиятлари, ассимиляция фаолияти, дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий экилган мош навларининг экиш муддати ва меъёрини ўсимликнинг морфобиологик хусусиятлари, ўсиши ва ривожланиши ҳамда фотосинтетик ва симбиотик фаолияти, дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

уруғларга нитрагин билан ишлов бериш ва экиш схемаларининг такрорий экилган мошнинг ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолияти, дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш;

соя навларини асосий ва такрорий экин сифатида ҳамда мош навларини такрорий экин сифатида етиштириш технологияларининг иқтисодий

самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари, минерал ўғитлар меъёрлари, экиш муддатлари, усуллари, меъёрлари, соянинг “Орзу”, “Узбекская-2” ва “Узбекская-6”, мошнинг “Зилола”, “Дурдона” ва “Радость” навлари, сояда *Rhizobium* тур хилига мансуб 646 штамми, мошда *Phaseolus radiatus* 148 штаммлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб турли экиш муддатлари, усуллари ва меъёрлари, минерал озиклантириш меъёрлари, уруғларга нитрагин билан ишлов беришнинг соя ва мош навлари илдизидаги туганаклар шаклланишига, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик фаолияти, ҳосил шаклланиши ҳамда дон сифатига таъсири ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларида лаборатория ва дала тажрибаларида олиб борилган фенологик кузатувлар, биометрик ўлчашлар “Методика полевого опыта” ва “Дала тажрибалари ўтказиш услублари” услубий қўлланмалари асосида, тупроқнинг агрохимёвий таҳлиллари “Методы агрохимических анализов почв и растений” услубий қўлланмаси асосида, доннинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш “Методические указания по определению качества растительной продукции” услубий қўлланмаси асосида, тадқиқот натижаларининг математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида экилган соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига уруғларга нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитлар мақбул меъёрларининг ($P_{100}K_{50}$) ижобий таъсири илмий асосланган, “Орзу” навидан 20,3 ц/га, “Узбекская-2” навидан 23,2 ц/га дон ҳосили, шу жумладан нитрагин эвазига ўртача 3,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди, “Узбекская-6” навининг такрорий экин сифатида экилганда пишиб етилмаслиги исботланган;

соянинг “Орзу”, “Узбекская-2”, “Узбекская-6” навларини асосий экин сифатида етиштиришда навлар бўйича мақбул экиш усули (кенг қаторлаб, қатор ораси - 60 см) ва меъёри (400 минг дона/га) аниқланган ҳамда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига ижобий таъсири илмий асосланган;

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида мош навларини такрорий экин сифатида етиштиришда турли экиш муддатлари (25-июн, 5-июл, 15-июл) ва экиш меъёрларининг (20, 30, 40 кг/га) ўсимликнинг ўсиш, ривожланиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолияти, ҳосил элементлари шаклланишига таъсири илмий асосланган ҳамда мақбул экиш муддати (25-июн) ва меъёри (30 кг/га) аниқланган;

уруғларга нитрагин билан ишлов бериб, 60x15-1 экиш схемасида экилган

мошнинг ўсиши, ривожланиши, илдизда туганакларнинг шаклланиши жадал кечиб, мақбул туп сони (111 минг дона/га) ва барг юзаси (26,7 минг м²/га), фотосинтез соф маҳсулдорлигининг (6,50 г/м² кун) меъёрида бўлиши эвазига юқори дон ҳосилдорлигини (26,3 ц/га) таъминлаши аниқланган ҳамда нитрагинсиз барча ва нитрагинли бошқа экиш схемаларига нисбатан мақбул эканлиги илмий асосланган;

соя навларини асосий ва такрорий экин сифатида ҳамда мош навларини такрорий экин сифатида етиштиришда қўлланилган технологик элементлар ва тадбирларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсири баҳоланган ва мақбул вариантларнинг юқори рентабелликни (сояда 120,2 % гача, мошда 80,9 % гача) ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида соя навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминловчи мақбул агротехнологик элементлар ва тадбирлар аниқлаб, ишлаб чиқаришга жорий этиш учун сояни асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологияси ишлаб чиқилган;

соянинг “Орзу” ва “Узбекская-2” навларини такрорий экин сифатида етиштиришда уруғларга нитрагин билан ишлов бериш ва гектарига Р₁₀₀К₅₀ меъёрида минерал ўғитлар қўлланилиши навларнинг фаол ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, назоратга нисбатан ўсимлик бўйининг ўртача 14,0-20,7 см, барг юзасининг 11,1-10,7 минг м²/га га юқори бўлиши ҳисобига 4,9-6,6 ц/га юқори дон ҳосили олинган. Қуруқ масса ҳосилдорлиги нитрагин таъсирида 8,9-9,4 ц/га ёки 23,9-30,5%, минерал ўғитлар таъсирида 48,3-71,9 ц/га гача ёки 14,3-22,5 % га ошган. “Узбекская-6” нави пишиб етилмаган бўлсада, нитрагин+Р₁₅₀К₁₀₀ меъёрида минерал ўғитлар қўлланилган вариантда энг юқори кўк масса (317,5 ц/га) ва пичан (78,4 ц/га) ҳосили олинган;

соянинг Орзу”, “Узбекская-2”, “Узбекская-6” навларини асосий экин сифатида етиштиришда мақбул экиш усули (кенг қаторлаб, қатор ораси - 60 см) ва меъёри (400 минг дона/га) қўлланилиши тор қаторлаб экиш усули ҳамда қуйи (200, 300 минг дона/га) ва юқори (500, 600, 700 минг дона/га) экиш меъёрларига нисбатан навлар бўйича 27,5; 32,0; 38,0 ц/га юқори ҳосил олиниши билан бирга дон таркибидаги оқсил ва мой миқдорининг ўртача 3,0 % ошишини таъминлаган;

мошнинг Радость”, “Дурдона” ва “Зилола” навлари такрорий экин сифатида 25 июнда гектарига 30 кг меъёрида уруғ экилган вариантларда кейинги экиш муддатларига (5-июл, 15-июл) нисбатан навлар бўйича ўртача 0,5-2,8 ц/га, 20 кг/га экиш меъёрига нисбатан 5,3-8,5 ц/га юқори дон ҳосил олиниб, 40 кг/га экиш меъёрига нисбатан иқтисодий самарадорлик жиҳатидан афзал эканлиги аниқлангани ҳолда 10 кг/га уруғ тежалиши таъминланган;

уруғларга нитрагин билан ишлов бериш ва 60x15-1 схемасида экиб етиштирилган мошнинг дон ҳосилдорлиги нитрагин қўлланилмаган худди шу экиш схемасига нисбатан 5,3 ц/га, нитрагин қўлланилган бошқа экиш схемаларига нисбатан 3,8 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган ҳамда

рентабеллик даражаси 80,9 %ни ташкил этган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда лаборатория ва дала тажрибалари умумқабул қилинган услублардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тажрибалар натижаларининг маҳаллий ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, аниқланган қонуният ва хулосаларнинг асосланганлиги, тажрибалар амалий лойиҳалар доирасида бажарилиб, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида асосий ва такрорий экилган соя ва мош экинларининг ўсиши ва ривожланиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолияти, ҳосил элементларининг шаклланиши ҳамда дон сифатига экиш муддатлари, усуллари, меъёрлари ва минерал ўғитлар меъёрлари+нитрагин қўлланишнинг таъсири ва уларнинг ўзаро таъсирлари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида дон-дуккали экинларни етиштиришда мақбул экиш муддати, усули, меъёри, нитрагин қўллаш, такрорий экин сифатида етиштиришнинг илмий асосланган агротехнологик тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг жорий этилиши натижасида юқори ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорликка эришилиши билан бир қаторда, аҳолининг соя ва мош маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондирилиши, чорванинг тўйимли озуқа билан таъминланиши ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш имконияти яратилиши билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Суғориладиган шароитда дон-дуккакли экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида асосий ва такрорий экин сифатида соя ва мош етиштириш бўйича 2011 йил “Суғориладиган ерларда соя етиштириш бўйича тавсиянома”, 2014 йил “Сояни асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш бўйича тавсиянома”, 2017 йил “Дон-дуккакли экинларни етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиянома” ишлаб чиқилган ва жорий этилган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 29 мартдаги 05/05-04-114-сон маълумотномаси*). Натижада, ушбу тавсияномалар бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, жумладан агрокластер ва фермер хўжаликлари томонидан амалий фаолиятида кенг қўламда қўлланиб келинмоқда;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида соя ва мош экинларини

асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологияси Бўка тумани фермер хўжаликларида (“Саркор” фермер хўжалигида 15 га соя ва 25 га мош, “Йўлдош Хожиметов” фермер хўжалигида 5 га соя ва 20 га мош, “Самандар АГРО замин” фермер хўжалигида 10 га соя ва 25 га мош) жами 100 гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 29 мартдаги 05/05-04-114-сон маълумотномаси*). Натижада, асосий экилган соя навларидан ўртача 27,5 ц/га, такрорий экилганда эса 25,6 ц/га ва мошдан 25,0 ц/га дон ҳосили етиштирилиб, гектаридан 3,2-9,6 центнер кўшимча ҳосил олишга ҳамда рентабеллик даражаси 92,3-116,8% га бўлишига эришилган;

соя ва мош экинларини такрорий экин сифатида етиштириш технологияси Юқори чирчиқ тумани фермер хўжаликларида (“Диёрбек Дониёрбек” фермер хўжалигида 15 га соя ва 14 га мош, “Мурод Агро бизнес” фермер хўжалигида 10 га соя ва 20 га мош, “Хамдам серфайз” фермер хўжалигида 5 га соя ва 15 га мош) жами 79,0 гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 29 мартдаги 05/05-04-114-сон маълумотномаси*). Натижада, такрорий экилган соя экинидан ўртача 26,0 ц/га ва мошдан 22,6 ц/га дон ҳосили етиштирилган ҳамда гектаридан кўшимча 2,2-8,6 центнер ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси 53,1-80,6% ни ташкил қилган;

соя ва мош навларини такрорий экин сифатида етиштириш технологияси Оққўрғон тумани фермер хўжаликларида (“Карим Темирбоев” фермер хўжалигида 15 га соя ва 30 га мош, “Т.Ислон” фермер хўжалигида 6 га соя ва 18 га мош, “Чашма” фермер хўжалигида 4 га соя ва 16 га мош) жами 89,0 гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 29 мартдаги 05/05-04-114-сон маълумотномаси*). Натижада, такрорий экилган соя экинидан ўртача 25,0 ц/га ва мошдан 22,8 ц/га дон ҳосили олиниб, 47,5-70,2% рентабелликка эришилган;

Тошкент вилоятининг Ўрта чирчиқ туманидаги Шоличилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида соя етиштириш технологияси 15 гектар ва мош етиштириш технологияси 10 гектар, жами 25,0 гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 29 мартдаги 05/05-04-114-сон маълумотномаси*). Натижада асосий экилган соя навларидан ўртача 28,0 ц/га, такрорий экилганда эса 26,5 ц/га ва мошдан 25,5 ц/га дон ҳосили етиштирилган ва бунда гектаридан мос равишда 3,6 ва 9,8 центнер кўшимча ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси 95,2-120,8% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Тошкент давлат аграр университетининг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқот натижалари йиллик ҳисоботларда баён этилган, университетнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича

Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 13 марта маъруза қилинган.

Натижаларни эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 та республика, 3 та хорижий журналларда, шунингдек 3 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 200 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация иши **кириш қисмида** бажарилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, амалий моҳияти, мавзунинг хорижий ва маҳаллий шароитда бажарилганлик ҳолати, олинган илмий натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ва бошқа зарурий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида дуккакли-дон экинларнинг деҳқончиликда тутган ўрни, аҳамиятини ўрганилганлик ҳолати, экинларнинг экологик, агротехник аҳамиятлари, соя етиштиришда эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар, маҳаллий шароитга мослашиши, хорижий ва маҳаллий навларни ўрни, мош етиштиришда янги инновацион технологик элементлари, янги навларни афзаллиги, асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологиялари таҳлил қилинган ва мавжуд муаммоларни ечиш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи боби 4 та бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Тошкент вилоятининг тупроқ-иқлим шароити баён этилган. Тажрибалар Тошкент давлат аграр университетининг ўқув-тажриба хўжалигида типик бўз тупроқлар шароитида олиб борилган. Тупроқлар шўрланмаган, сизот сувлари чуқур жойлашган, эскидан суғориб келинган. Бу тупроқ таркибида 0,8-1,0 % чиринди, 0,058-0,089 % атрофида азот, 0,141-0,184 % яқин фосфор ва 0,154-0,148 % атрофида калий мавжуд. Тошкент вилоятининг иқлим шароити кескин континентал, қишда қаттиқ совуқ тушиши, ёзда эса ҳароратнинг юқорилиги, қуруқликда қор қатламининг сақланиш даврининг камлиги, буғланишнинг юқорилиги билан қолган минтақалардан ажралиб туради. Диссертацияда тажриба ўтказилган йиллар бўйича об-ҳаво маълумотлари тўла келтирилган.

Тадқиқот ишида 4 та тажриба ўтказилган. Биринчи тажриба - “Суғориладиган шароитда такрорий экин сифатида экилган соя навларининг ҳосилдорлигига ўғит меъёри ва нитрагиннинг таъсири” 1996-1998 йилларда, иккинчи тажриба - “Соя навларини типик бўз тупроқ - иқлим шароитида тупроқ унумдорлиги ва дон ҳосилдорлигини оширишда асосий экин сифатида

етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш” 2009-2011 йилларда, учинчи тажриба - “Такрорий экилган мош навларининг ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири” 2012-2014 йилларда, тўртинчи тажриба - “Нитрагин билан ишлов беришнинг такрорий экилган мошнинг фотосинтетик фаолияти ва дон ҳосилдорлигига таъсири” 2015-2017 йилларда бажарилган. Лаборатория ва дала тажрибалари умумқабул қилинган замонавий услубларда олиб борилган. Тажрибаларда ўрганилган соянинг “Орзу”, “Узбекская-2”, “Узбекская-6”, мошнинг “Радость”, “Зилола” ва “Дурдона” навлари тавсифи, соя ва мош навларини асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологияси бўйича амалга оширилган технологик тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам мазкур бобда келтирилган.


Диссертациянинг **“Суғориладиган шароитда такрорий экин сифатида экилган соя навларининг ҳосилдорлигига минерал ўғит меъёри ва нитрагиннинг таъсири”** деб номланган учинчи боби 6 та бўлимдан иборат. Бу бобда минерал ўғит меъёрлари ва нитрагиннинг ўсимлик туп сони ва сақланишига таъсири аниқланган. Фосфор 150 ва калий 100 кг меъёрда қўлланилганда ўсимликларнинг сақланиш даражаси амал даврининг охирида 13,3-16,7% га ошганлиги аниқланди. Қўлланилган минерал ўғит меъёрлари ва нитрагин навларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиб, “Орзу” навида амал даври 80-82 кунни, “Узбекская-2” нави 91-92 кунда етилди. Минерал ўғитлар нитрагин билан бирга қўлланилганда “Орзу” навида амал даври 80-81 кунга, “Узбекская-2” навида 91-93 кунни ташкил қилган. “Узбекская-6” нави кечпишар нав бўлганлиги туфайли тўла пишиш даврига етмади, такрорий экилганда фақат дуккакланиш даврига етди.

Қўлланилган ўғит меъёрлари ва нитрагин соя навларининг ўсишига таъсир кўрсатган. Поя баландлиги барча навларда минерал ўғит меъёрлари фосфор 100 кг ва 50 кг калий қўлланилганда юқори бўлган: “Орзу” навида 63,0 см, “Узбекская-2” навида 68,0 см ва “Узбекская-6” навида 74,0 см ташкил қилган. Бу ўғит меъёрига нитрагин қўшилганда поя баландлиги навлар кесимида 65,7; 70,7 ва 77,7 см гача ошганлиги аниқланди. Соя навлари ичида нисбатан юқори кўрсаткичлар 77,7 см “Узбекская-6” навида қайд этилди. Минерал ўғит меъёри P₁₅₀ K₁₀₀ кг қўлланилганда кўрсаткичлар пасайган.

Соя навларининг фотосинтетик фаолиятига минерал ўғит меъёрлари ҳамда нитрагин қўлланиши ижобий таъсир кўрсатгани аниқланди. Энг юқори барг сони P₁₀₀K₅₀ кг/га + нитрагин қўлланилган вариантда бўлиб, навлар бўйича 14,6; 15,9; 18,0 дона бўлганлиги аниқланди, бир туп ўсимликда барг юзаси шу вариантда 1475, 1594, 1669,3 см²/тупга тенг бўлди. Бир гектарга барг юзаси навлар бўйича 40,2; 43,8; 45,9 минг м²/га ни ташкил қилган. Нитрагин эвазига барг юзаси навлар бўйича 5,4; 4,9; 5,4 минг м²/га ошганлиги аниқланди. Фотосинтез маҳсулдорлиги P₁₀₀K₅₀ ўғит қўлланилганда навлар бўйича 5,80; 6,10; 6,50 г/м² кунни ташкил қилди.

Такрорий экилган соя навлари тупроқ унумдорлигини оширади. Энг юқори меъёрда минерал ўғитлар қўлланилганда илдиз вазни навлар бўйича

29,9 ц/га, 35,7; 39,5 ц/га ташкил қилди. Минерал ўғитлар нитрагин билан қўлланилганда навлар бўйича илдиз вазни 12,0-12,7 ц/га ошганлиги кузатилди. Туганаклар сони мақбул вариантда навлар бўйича 184, 248,5 ва 270,6 донани, туганакларнинг вазни 2,57; 3,29; 4,13 граммни ташкил қилди. Туганаклар билан дон ҳосилдорлиги орасида юқори корреляцион боғлиқликни борлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Такрорий экилган соя навларининг туганаклар ривожланишига минерал ўғитлар ва нитрагиннинг корреляцион боғлиқлиги

Минерал ўғит меъёрлари ва нитрагин қўлланилганда мақбул вариантда дон ҳосили “Орзу” навида 20,3 ц/га ва “Узбекская-2” навида 23,2 ц/га ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Соя навларини дон ҳосилдорлигига минерал ўғитлар меъёри ва нитрагиннинг таъсири, ц/га (1996-1998 йй.)

Минерал ўғитлар меъёри, кг/га	Соя навлари	Дон ҳосилдорлиги, ц/га			
		1996 йил	1997 йил	1998 йил	ўртача
Ўғитсиз (назорат)	Орзу	11,8	15,4	14,5	14,9
	Узбекская-2	16,4	17,0	16,3	16,5
P ₅₀	Орзу	16,3	17,7	16,2	16,7
	Узбекская-2	19,4	18,8	19,0	19,1
P ₅₀ K ₅₀	Орзу	17,7	18,3	17,9	17,9
	Узбекская-2	18,8	19,7	19,7	19,4
P ₁₀₀ K ₅₀	Орзу	19,8	20,7	19,9	20,3
	Узбекская-2	23,4	23,4	23,7	23,2
P ₁₅₀ K ₁₀₀	Орзу	19,1	20,4	18,6	19,4
	Узбекская-2	22,7	23,0	22,2	22,1
	ЭКФ ₀₅ ц/га	0,32	0,23	0,21	
	Sx%	3,9	1,19	1,86	

Диссертациянинг “Соё навларини типик бўз тупроқ-иқлим шароитида дон ҳосилдорлигини оширишда асосий экин сифатида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи боби 7 та бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда кечпишар нав “Ўзбекская-6” кенг қаторлаб экиш меъёри 200-400 минг дона/га экилганда амал даврининг охирида сақланиш даражаси 94 дан 91% гача камайган, тор қаторлаб экилиб, меъёри 400-600 минг дона/га бўлганда сақланиш даражаси 92 % дан 89 % гача камайди. Бу қонуният бошқа навларда ҳам кузатилди.

Экиш меъёрлари ва усуллари соё навларнинг пая баландлигига ижобий таъсир кўрсатди. “Ўзбекская-6” навида экиш меъёри ошган сари ва нав тор қаторлаб экилганда ҳам пая баландлиги 89 см дан 101 см гача ва 103 см дан 104 см гача ошди. “Ўзбекская-2” нави кенг қаторлаб экилганда экиш меъёри ошган сари пая баландлиги 88 см дан 98 см гача ошган, тор қаторлаб экилганда экиш меъёри ошган сари баландлиги 100 см дан 103 см гача ошди. “Орзу” нави кенг қаторлаб экилганда экиш меъёри ошганда пая баландлиги 76 см дан 82 см гача ошган, тор қаторлаб экилганда экиш меъёрларининг таъсирида пая баландлиги 79 см дан 83 см гача ошди.

Экиш усуллари ва меъёрлари навларнинг ривожланишига амал даврини давомийлигига таъсир кўрсатди. Кечпишар “Ўзбекская-6” нави кенг қаторлаб экилганда экиш меъёри 200-400 минг дона қилиб экилганда амал даври 151 дан 155 кунгача узайди. Нав тор қаторлаб экилганда экиш меъёри 400-600 минг дона/га қилиб экилганда навнинг амал даври 152-158 кунни ташкил қилди. Ўртапишар “Ўзбекская-2” нави кенг қаторлаб гектарига 200-400 минг дона/га экилганда амал даври 135-137 кунни, тор қаторлаб экиш меъёрини 400-600 минг дона экилганда амал даври 134-140 кунни ташкил қилди. Ўртапишар “Орзу” навида кенг қаторлаб экилганда 110-113 кун, тор қаторлаб экилганда 111-118 кунни ташкил қилди. Соё навлари асосий экин сифатида экилганда барг юзаси экиш усули ва меъёрига боғлиқ бўлганлиги кузатилди. “Ўзбекская-6” нави кенг қаторлаб экилганда гектарига 200-400 минг дона/га экилганда барг юзаси 29-38 минг м²/га, тор қаторлаб экилганда 40-48 минг м²/га ташкил қилди. Ўртапишар “Ўзбекская-2” нав кенг қаторлаб экилганда экиш меъёри 200-400 минг дона/га бўлганда барг юзаси 27-36 минг м²/га ва тор қаторлаб экилганда барг юзаси 38-45 минг м²/га.ни ташкил қилди. Ўртапишар “Орзу” нави кенг қаторлаб гектарига 300-500 минг дона/га экилганда 20-29 минг м²/га ва тор қаторлаб экилганда 31-35 минг м²/га.ни ташкил қилди.

Соё навлари тор қаторлаб экилганда, экиш меъёри ошган сари навларнинг шохланиши, дуккак ва дон сони ҳамда дуккак ва дон вазни камайиши кузатилди. Илмий тадқиқот ишларида ўсимликнинг биометрик кўрсаткичларига экиш меъёри ва экиш усулини таъсири кузатилди. Технологик тадбирлар соё ўсимлигини шохланишига, пастки дуккакларни жойлашишига, дуккак сони ва вазнига таъсир қилганлиги кузатилди. Соё навларининг ҳосилини механизация ёрдамида йиғишда унинг биринчи дуккаги ер юзидан жойлашиш ўлчамига боғлиқ бўлади. Баҳорда экилган

“Узбекская-6” навида бу кўрсаткич 20-23 см, “Узбекская-2” навида 20-23 см ва “Орзу” навида 19-20 см.ни ташкил қилди (2-жадвал).

2-жадвал

Баҳорда экилган соя навларининг биометрик кўрсаткичлари (2009-2011 йй.)

Навлар	Экиш усули, см	Экиш меъёри, минг/га	1-нчи дуккак жойлашиши, см	Шохлар сони	Дуккак		Дон	
					сони, дона	вазни, г	сони, дона	вазни, г
Узбекская-6	60	200	20	3,0	46	22,0	98	14,2
		300	22	1,6	43	14,1	74	9,8
		400	23	1,3	34	13,4	60	7,7
Узбекская -6	15	400	21	1,4	35	13,8	66	8,0
		500	23	1,3	33	12,9	56	7,2
		600	24	1,2	31	12,1	51	6,9
Узбекская -2	60	200	20	3,7	53	28,1	112	14,8
		300	22	3,0	48	22,8	101	12,5
		400	23	2,0	35	20,2	79	11,1
Узбекская -2	15	400	21	2,3	37	21,0	84	11,6
		500	22	1,9	33	18,5	76	10,1
		600	23	1,7	30	16,1	71	9,0
Орзу	60	300	18	4,0	49	21,4	130	15,1
		400	19	3,3	48	20,4	99	13,2
		500	20	2,3	45	17,7	83	10,4
Орзу	15	500	19	2,4	38	18,6	85	12,5
		600	21	2,2	25	8,8	55	6,8
		700	22	2,0	20	7,9	32	5,1

Илмий ишларнинг натижалари бўйича дон ва кўк масса ҳосили экиш усули ва меъёрига боғлиқлиги кузатилди. Баҳорда экилган соя навларининг ҳосилдорлигига экиш усули ва меъёрини таъсири кузатилди. Соя навлари баҳорда экилганда ҳар хил меъёрда экилди. Кечпишар “Узбекская-6” навида 38-29 ц/га дон олинди. Экиш меъёри ошганлиги эвазига дон ҳосили 6-9 ц/га камайди. Ўртапишар “Узбекская-2” навининг ҳосили ҳам шу экиш меъёрларида 31 ц/га дан 25 ц/га гача камайди, экиш меъёрини ошганлиги ҳосилни 2-6 ц/га камайтирди. Эртапишар “Орзу” навининг ҳосили 24-26 ц/га атрофида бўлиб, юқори ҳосил гектарга 500 минг дона уруғ экилганда олинди. Бундан кам ва кўп меъёр ҳосилни камайтирди. Шунингдек, тажрибада кўк масса ҳосили сут-думбул пишиш даврида йиғилди. Баҳорда экилган навларнинг кўк масса ҳосили бирмунча юқори бўлди. “Узбекская-6” навидан экиш меъёрига боғлиқ ҳолда 274,0-396,0 ц/га кўк масса олинди. “Узбекская-2” навидан 241,0-343,0 ц/га кўк масса олинди. Эртапишар “Орзу” навидан 171,0-208,0 ц/га ҳосил олинди. “Орзу” нави ёппасига қаторлаб экилганда кўк масса ҳосили ортиб, 211,0-277,0 ц/га ни ташкил қилди. Дисперсион таҳлил

бўйича умумий ишончли чегара 1,40 ц/га ташкил қилди, навлар ва экиш меъёри бўйича 0,84 цга ташкил қилди (3-жадвал).

3-жадвал


Баҳорда экилган соя навларининг ҳосилдорлигига экиш усули ва меъёрининг таъсири (2009-2011 йй.)

Навлар	Экиш усули, см	Экиш меъёри, минг/га	Дон ҳосилдорлиги, ц/га			
			2009 йил	2010 йил	2011 йил	ўртача
Узбекская-6	60	200	28	29	27,0	28,0
		300	32	28	33,0	31,0
		400	33	34	32,0	33,0
Узбекская -6	15	400	30	33	33,0	32,0
		500	34	36	35,0	35,0
		600	36	39	39,0	38,0
Узбекская -2	60	200	24	26	25,0	25,0
		300	28	29	27,0	28,0
		400	27	29	31,0	29,0
Узбекская -2	15	400	26	27	28,0	27,0
		500	29	31	30,0	30,0
		600	32	31	33,0	32,0
Орзу	60	300	20	19,5	18,5	19,3
		400	21,5	23	22,9	22,5
		500	25	23,9	23,5	24,1
Орзу	15	500	24,6	26,6	25,6	25,6
		600	27,8	28,5	26,1	27,5
		700	25	26	27	26,0
ЭКФ ₀₅ -умумий, ц			1,40	1,42	1,38	
ЭКФ ₀₅ ,%			2,67	2,69	2,65	
ЭКФ ₀₅ -нав, ц			0,84	0,88	0,82	
ЭКФ ₀₅ -меъёр, ц			0,84	0,88	0,82	

Соя навларини турли усулларга боғлиқ ҳолда экиш меъёрлари ва усулларида парваришланганда, амал даври охирида соя навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўзгариб боришига экиш меъёрини оширилган вариантларда юқори натижалар билан исботланди. Бу икки кўрсаткичлар орасида корреляцион боғлиқликни Доспехов (1979) услуби бўйича ҳисобланганда ушбу кўрсаткичлар орасида ўзаро юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги кузатилиб, корреляция коэффиценти $r=0,565$ ($R^2=0,3741$) га тенг бўлиб, ўрта даражадан юқорироқ ижобий боғланиш мавжудлигини кўрсатди (2-расм).

Экиш усули ва меъёри соя навларининг дон сифатига ҳам таъсир кўрсатди. Тажрибада доннинг сифат кўрсаткичлари бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар ўрганилаётган навлар ичида соянинг “Узбекский-6” навида қайд этилди. Бу навда дон таркибидаги оқсил миқдори 41-46 фоизни, дон таркибидаги мой миқдори 23-24% ни ташкил этди. Соя дони сифат кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар 1-вариантда, яъни

“Узбекский-6” навининг кўчат қалинлиги нисбатан кам, озикланиш майдони юқори бўлган шароитда қайд этилди. Бу вариантда соянинг дон таркибидаги оқсил миқдори 45 %, мой миқдори 24 % ташкил этиши кузатилди.



2-расм. Баҳорда экилган соя навларининг ҳосилдорлигига экиш усули ва меъёрининг ижобий корреляцион боғлиқлиги

Тажрибада соянинг экиш меъёрининг ошириб борилиши дон таркибидаги оқсил ва мой миқдорининг камайиб боришига олиб келиши аниқланди. “Узбекский-6” навининг экиш меъёри 300 минг/га бўлган шароитда дон таркибидаги оқсил миқдори 43%, мой миқдори 23% кузатилган. Уруғ экиш меъёри 400 минг/га бўлган шароитда эса дон таркибидаги оқсил миқдори 41%, мой миқдори 23% ни ташкил этиши қайд этилди. Ёппасига қаторлаб экилганда экиш меъёри ошган сари оқсил ва мой миқдорини камайиши кузатилди.

Диссертациянинг “**Такрорий экилган мош навларининг ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрининг таъсири**” деб номланган бешинчи боби 6 та бўлимдан иборат. Мош навларининг барча экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича сақланиш даражаси юқори - 96,2-98,0% гача бўлганлиги аниқланди. Барча экиш муддатларида экиш меъёри ошган сари поя баландлиги ошиб борди. Мош навлари 25.06 экилганда “Радость” навининг поя баландлиги 58-63 см, “Дурдона” навида 55-60 см ва “Зилола” навида эса 74-80 см бўлганлиги аниқланди. Мош навлари 5 июлда экилганда поя баландлиги биринчи муддатга нисбатан юқори бўлгани кузатилди: “Радость” навида 68-72 см, “Дурдона” навида - 59-63 см ва “Зилола” навида 77-81 см. га етди. Мош навлари 15 июлда экилганда поя баландлиги олдинги муддатга нисбатан пасайганлиги аниқланди: “Радость” навида 65-74 см, “Дурдона” навида 58-62 см ва “Зилола” навида эса 72-79 см.ни ташкил қилди.

Мош навлари такрорий экилганда ташқи муҳит ўзгариши - ҳаво ҳарорати юқори, ҳавонинг нисбий намлиги паст ва ҳароратни тез пасайиши ўсимликларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиб, баҳорда экиш муддатига нисбатан амал даври қисқарди. Аммо такрорий ҳар хил муддатда экилганда эрта муддатда экилган вариантда амал даври қисқа бўлганлиги кузатилди. Кеч экилган вариантларда ҳароратнинг пасайиши амал даврини узайишига сабаб бўлди, чунки экин талаб қиладиган фойдали ҳароратга эга бўлмаса амал даври узаяди. Мош навларининг ривожланиши экиш муддати ва меъёрига боғлиқ бўлиб, июннинг охирида экилганда “Радость” навида амал даврининг давомийлиги 70-74 кунни, “Дурдона” навида 55-60 кунни ва “Зилола” навида 65-69 кунни ташкил қилди. Кейинги экиш муддатларида ҳаво ҳарорати пасайиши туфайли навларнинг амал даврини узайганлиги кузатилди. Июлнинг бошида экилганда “Радость” навининг амал даври 72-76 кун, “Дурдона” навининг амал даври 59-67 кун ва “Зилола” навининг амал даври эса 67-70 кунни ташкил қилди. Яна ўн кундан кейин экилганда навларнинг амал даври тегишлича 74-77, 61-65 ва 68-72 кунни ташкил қилди. Бу ерда навларнинг биологияси ва ташқи муҳит ўзгариши сезиларли таъсир қилганлиги кузатилди.

Ўсимликнинг барги ҳосил шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди, чунки фотосинтез жараёнида бўладиган ҳосил баргдан бошланади, шунинг учун тажрибада мош навларининг барг ривожланишига эътибор қаратилди. Мош навлари гуллаш даврига етганда барг сони экиш меъёрига боғлиқ ҳолда “Радость” навида 9,3-5,7 та, “Дурдона” навида 8,4-5,1 дона ва “Зилола” навида 10-7,5 донани ташкил қилди. Экиш меъёри ошганлиги сабабли барг сони “Радость” навида 2,4-3,6 донага, “Дурдона” навида 1,9-3,0 донага ва “Зилола” навида эса 1,2-2,5 донага барг сони камайиб борди, сабаби қалин экинзорда ёруғлик етишмайди ва барглар яхши ривожланмайди.

Маълумки, барг юзаси маълум бир меъёргача юқори ҳосилни шаклланишини билдиради. Ўсимлик ривожланганда, озиқа ва сув етарли бўлганда барглар яхши ривожланади, барг юзаси кенгаяди. Аммо барг юзаси кенгайган билан ҳосил маълум меъёрдан кейин ошмайди. Сабаби, ўсимликнинг пастки қисмида жойлашган баргларга куёш нури тушмайди, фотосинтез жараёни суст кечади, органик моддалар тўпланмайди. Ҳар бир экин ва нав учун бу жиддий омилдир. Бир туп ўсимликнинг барг юзаси “Радость” навида 531-519 см², “Дурдона” навида 574-532 ва “Зилола” навида эса 580-552 см² ташкил қилди. Бир гектар ҳисобига барг юзаси аниқланганда биринчи экиш муддатида дуккакланиш даврида “Радость” навида барг юзаси экиш меъёрига боғлиқ ҳолда 25,6 дан 28,0 минг м²/га, “Дурдона” навида - 28,4 дан 31,6 минг м²/га, “Зилола” навида 29,0-33,7 минг м²/га ни ташкил қилди. Иккинчи экиш муддатида “Радость” навида барг юзаси дуккакланиш даврида 25,3-26,9 минг м²/га, “Дурдона” навида 27,0-31,6 минг м²/га, “Зилола” навида эса - 28,0-32,7 минг м²/га ни ташкил қилди. Мош навлари учинчи муддатда экилганда “Радость” навида барг юзаси 24,3-25,9 минг м²/га; “Дурдона” навида 26,0-30,6 минг м²/га ва “Зилола” навида 27,0-30,7 минг м²/га ни

ташқил қилди. Барча экиш муддатлари ва меъёрларида энг юқори кўрсаткич “Зилола” навида кузатилди. Тажриба натижаларига кўра барг юзаси биринчи экиш муддатида ва юқори экиш меъёрида экилганда юқори бўлганлиги кузатилди.

Биринчи экиш муддатида мош навлари 4-чи чин барг ривожланиш даврига етганда фотосинтез маҳсулдорлиги “Радость” навида 1,45 дан 1,35 г/м², гуллаш даврида 3,55-3,20 ва дуккакланиш даврида 4,80-4,20 г/м² гача камайганлиги кузатилди. “Дурдона” навида фотосинтез маҳсулдорлиги 4-чи чин барги ривожланиш даврида 1,48-1,37; гуллаш даврида 4,4-4,0; дуккакланиш даврида эса 5,6-5,0 г/м² ташқил қилди. Мошнинг “Зилола” навида фотосинтез маҳсулдорлиги 4-чин барги ривожланганда 1,53-1,48 г/м²; гуллаш даврида 4,75-4,30 г/м² ва дуккакланиш даврида 6,50-5,80 г/м² ташқил қилиб, экиш меъёри ошган сари ва кеч экилганда кўрсаткичнинг камайиши кузатилган. Мошнинг янги навларида фотосинтез маҳсулдорлиги “Радость” навида нисбатан юқорироқ бўлганлиги кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

Экиш муддати ва меъёрининг мош навларининг фотосинтез маҳсулдорлигига таъсири, г/м² (2012-2014 йй.)

Навлар	Экиш меъёри, кг	Ривожланиш давлари		
		4-нчи чин барг	гуллаш	дуккакланиш
Экиш муддати 25/VI				
Радость	20	1,45	3,55	4,80
	30	1,41	3,40	4,50
	40	1,35	3,20	4,20
Дурдона	20	1,48	4,45	5,60
	30	1,43	4,20	5,40
	40	1,37	4,00	5,00
Зилола	20	1,53	4,75	6,50
	30	1,50	4,50	6,00
	40	1,48	4,30	5,80
Экиш муддати 05/VII				
Радость	20	1,30	3,30	4,40
	30	1,28	3,20	4,15
	40	1,25	3,00	3,95
Дурдона	20	1,45	4,00	5,00
	30	1,30	3,80	4,81
	40	1,25	3,65	4,25
Зилола	20	1,48	4,50	6,20
	30	1,45	4,30	5,80
	40	1,25	4,05	5,40
Экиш муддати 15/VII				
Радость	20	1,20	3,60	4,00
	30	1,10	2,80	3,80
	40	1,00	2,60	3,60
Дурдона	20	1,30	3,50	4,80
	30	1,20	3,40	4,70
	40	1,15	3,30	4,50
Зилола	20	1,40	4,00	6,20
	30	1,30	3,80	6,00
	40	1,20	3,65	5,70

Энг юқори кўрсаткич биринчи экиш муддатида кузатилди. Мош навларининг экиш меъёри ошган сари бир тупда тўпланган куруқ модда миқдори камайиб бориши кузатилди. Куруқ моддани миқдори экиш муддатига ҳам боғлиқ бўлиб, кеч экилган сари бу кўрсаткич камайиб бориши кузатилди. Шунинг учун мошнинг “Радость” навида 25 июнда экилганда экиш меъёрилари бўйича куруқ модданинг миқдори 51,1-47,0 г ташкил қилди; “Дурдона” навида 52-48 г ва “Зилола” навида эса 53-49,5 г ташкил қилди.

Мош навлари 5 июлда экилганда “Радость” навида куруқ модда миқдори 49,0-46,1 г, “Дурдона” навида 50-46,5 г ва “Зилола” навида эса 51-47 г ташкил қилди. Олдинги экиш муддатига нисбатан кўрсаткичнинг камайиши кузатилди. Мош навлари охириги муддатда 15 июлда экилганда “Радость” навида куруқ модда миқдори бир тупга тўғри келадиган 46-43 г, “Дурдона” навида 48-44 г ва “Зилола” навида эса 49-45 г ташкил қилганлиги аниқланди.

Тажрибада мош навларининг симбиотик фаолияти ўрганилди. Бунда туганаклар сони ва вазни таҳлил қилинди. Мош дуккакланиш фазасига етганда туганаклар сони “Радость” навида 43,1-33,1 дона бўлиб, зич экиш эвазига 10,0 донага, “Дурдона” навида 31,1- 24,3 донага тенг бўлиб, экиш меъёрини ошиши туфайли 6,8 донага, “Зилола” навида 35,3-30,8 тага етиб, 4,5 донага камайганлиги аниқланди. Барча вариантларда амал даврида экиш меъёри ошган сари туганак сони камайиб борган. Мош навлари 15 июлда экилганда туганаклар сони олдинги экиш муддатига нисбатан бирмунча камайган. Мошнинг “Радость” навида туганаклар сони амал даврининг бошида 8,1-6,3 донани ташкил қилиб, зич экилиши эвазига туганаклар сони 0,3-1,8 донага камайган, “Дурдона” навида туганаклар сони 7,1-5,1 бўлиб, экиш меъёри таъсирида 0,8-2,0 донага камайган, “Зилола” навида 7,7-6,6 донани ташкил қилиб, бу навда экиш меъёри ошиши эвазига 0,3-1,0 донага камайганлиги кузатилди. Мош навлари дуккакланиш фазасига кирганда туганакларнинг вазни “Радость” навида экиш меъёрлари бўйича 6,6-6,4-6,0 г ташкил қилиб, экиш меъёри ошганда кўрсаткич камайиши кузатилди. “Дурдона” навида туганаклар вазни 7,1-6,7-6,4 г ташкил қилиб, экиш меъёри ошган сари туганакларнинг вазни камайиши кузатилди. “Зилола” навида туганаклар вазни 7,2-6,7-6,6 г ташкил қилиб, экиш меъёрлари ошган сари ва кеч экилганда туганак вазни камайиши кузатилди. Мош навлари 5 июлда экилганда дуккакланиш фазасига кирганда бу кўрсаткич “Радость” навида туганаклар вазни экиш меъёрлари бўйича 7,1-6,5-5,5 г ташкил қилиб, экиш меъёри ошганда бу кўрсаткич камайиши кузатилган. “Дурдона” навида туганаклар вазни 5,2-5,1-4,0 г ташкил қилиб, экиш меъёри ошган сари туганакларнинг вазни камайиши кузатилди. “Зилола” навида эса туганаклар вазни 5,8-5,5-5,1 г ташкил қилиб, экиш меъёрлари ошган сари ва кеч экилганда туганак вазни камайиши кузатилди. Иккала янги мош навларида туганаклар вазни дуккакланиш даврида назорат навига нисбатан паст бўлганлиги кузатилди. Тажрибада такрорий экилган мош навларида туганаклар вазни бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар мошнинг биринчи экиш муддатида янги навларида 20 кг/га меъёрда экилганда қайд этилди.

Мош навлари тупроқда биологик тоза азот қолдиришдан ташқари органик модда ҳам қолдиради. Тажрибада амал даврида илдиз массасини кўпайиши кузатилди. Илдиз массасини миқдорига экиш муддати ва меъёрларини ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Мош навлари биринчи экиш муддатида дуккакланиш даврига кирганда илдиз вазни юқори бўлиб, кўринишлар бўйича “Радость” навида 21,7-24,3 ц\га ташкил қилди. “Дурдона” навида илдиз вазни экиш меъёрлари бўйича 19,7-23,8 ц\га ташкил қилди. “Зилола” навида илдиз вазни 22,3-26,5 ц\га ташкил қилди. Барча навларда экиш меъёри ошган сари илдиз вазни бир гектар ҳисобига ошиб борганлиги кузатилди. Энг юқори илдиз вазни “Зилола” навида кузатилди. Иккинчи экиш муддатида мош навлари 5 июлда экилганда дуккакланиш даврида илдиз вазни юқори бўлиб, кўринишлар бўйича “Радость” навида 20,7-23,3 ц\га ташкил қилди. “Дурдона” навида илдиз вазни экиш меъёрлари бўйича 21,8-22,4 ц\га ташкил қилди. “Зилола” навида эса илдиз вазни 22,1-25,6 ц\га ташкил қилди. Барча навларда экиш меъёри ошган сари илдиз вазни бир гектар ҳисобига ошиб борганлиги кузатилди. Энг юқори илдиз вазни “Зилола” навида кузатилди. Бу экиш муддатида ҳам мош навларининг экиш меъёри ошган сари илдиз массаси ҳам ошиб борганлиги кузатилди. Учинчи экиш муддатида мош навлари 15 июлда экилганда мош навлари дуккакланиш даврига кирганда илдиз вазни юқори бўлиб, кўринишлар бўйича “Радость” навида 19,0-21,7 ц\га ташкил қилган. “Дурдона” навида эса илдиз вазни экиш меъёрлари бўйича 20,5 - 23,3 ц\га ташкил қилди. “Зилола” навида илдиз вазни 21,5-24,7 ц\га ташкил қилган. Барча навларда экиш меъёри ошган сари илдиз вазни бир гектар ҳисобига ошиб борганлиги кузатилди. Энг юқори илдиз вазни “Зилола” навида кузатилди.

5-жадвал

Мош навлари ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрининг таъсири, ц/га (2012-2014 йй.)

Навлар	Экиш меъёри, кг	Экиш муддатлари											
		25/VI				05/VII				15/VII			
		2012	2013	2014	ўрғача	2012	2013	2014	ўрғача	2012	2013	2014	ўрғача
Радость	20	16,2	21,0	20,4	19,2	23,5	23,3	21,9	22,9	17,5	19,5	18,5	18,5
	30	26,8	23,8	23,8	24,8	22,0	23,5	23,5	23,0	21,6	23,6	22,6	22,6
	40	23,0	25,0	24,0	24,0	25,9	26,1	25,1	25,7	22,7	23,7	21,7	22,7
Дурдона	20	15,7	20,5	19,9	18,7	19,1	20,0	19,3	19,6	18,1	19,3	18,1	18,5
	30	23,0	25,0	24,0	24,0	22,5	24,5	23,5	23,5	22,8	23,9	23,8	22,1
	40	24,9	24,9	23,4	24,4	22,7	24,7	23,7	23,7	22,2	20,2	21,2	21,2
Зилола	20	17,5	19,5	18,5	18,5	21,3	23,3	22,3	22,3	19,2	21,2	20,2	20,2
	30	27,0	27,5	26,5	27,0	25,2	26,5	24,6	25,4	23,9	24,9	23,5	24,2
	40	28,9	25,8	27,8	27,5	27,3	26,1	26,9	26,8	24,9	23,5	24,8	24,4
ЭКФ ₀₅ ц/га		1,56	1,68	1,62		0,98	1,14	1,07		0,89	1,14	0,99	
Sx%		4,25	4,96	4,84		4,26	4,71	4,48		4,11	4,68	4,32	

Мош навлари 25 июнда экилганда “Радость” навида дон ҳосили 19,2-24,0 ц/га ташкил қилди. “Дурдона” навида - 18,7-24,4 ц/га, “Зилола” навида эса 18,5-27,5 ц/га ташкил қилди. Экиш меъёри ошган сари ҳосилдорликни ошиши кузатилди. Мош навлари 5 июлда экилганда “Радость” навида экиш меъёрига

боғлиқ ҳолда дон ҳосили 22,9 ц/га дан 25,7 ц/гача ўзгариб турди. “Дурдона” навида 19,6 ц/га дан 23,7 ц/гача, “Зилола” навида эса 22,3 ц/га дан 26,8 ц/гача ҳосилни ошиши кузатилди. Мош навлари 15 июлда экилганда дон ҳосили иккинчи экиш муддатига нисбатан камайиб, “Радость” навида 18,5-22,7 ц/га, “Дурдона” навида 18,5-21,2 ц/га ва “Зилола” навида 20,2-24,4 ц/га ташкил қилди. Экиш муддатларнинг орасида эрта муддатда ва юқори экиш меъёрида юқори дон ҳосили олинди (5-жавдал).

Такрорий экилган мош навларининг дон ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич 27,5 ц/га “Зилола”навида 25 июнда 40 кг меъёрда экилган шароитда кузатилди. Бу назорат вариантыга нисбатан 9,0-11,3 ц/га юқори юқори бўлди. Аммо экиш меъёри 30 кг бўлган вариантга нисбатан афзаллиги кўринмади.

Диссертациянинг **“Нитрагин билан ишлов беришнинг такрорий экилган мошнинг фотосинтетик фаолияти ва дон ҳосилига таъсири”** деб номланган олтинчи боби 5 та бўлимдан иборат.

Нитрагин қўлланилмаган шароитда такрорий экилган мошнинг ҳақиқий кўчат қалинлиги экиш схемасига мос равишда вариантлар бўйича 76-196 минг дона/га ни ташкил этди. Кўчат қалинлиги бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар 76 минг дона/га 60×20-1 см схемада экилганда озиқланиш майдони юқори бўлган вариантда, нисбатан юқори кўрсаткичлар 196 минг дона/га 60×5-1 см схемада экилган озиқланиш майдони кичик бўлган шароитда қайд этилди. Бироқ, тажрибада кўчат қалинлиги ортган сари кўчатларнинг сақланиб қолиш даражаси пасайиб бориши кузатилди. Кўчат қалинлиги 76 минг дона/га бўлган 1 вариантда сақланиб қолган кўчатлар сони 91% ташкил этган бўлса, 100 минг дона/га бўлган шароитда 90% ни, 148 минг дона/га бўлганда 89%, 196 минг дона/га бўлган шароитда эса 88% ни ташкил этди. Тажрибада кўчат қалинлиги ва сақланиб қолган ўсимликлар сони бўйича нитрагин қўлланилган барча вариантларда нитрагин қўлланилмаган вариантлардан устунлик кузатилди.

Такрорий экилган мош навининг озиқланиш майдони катта бўлганда барг юзаси 20,4 минг м²/га дан 32,2 минг м²/га ни ташкил қилди. Нитрагин билан ишлов берилганда барг юзаси экиш схемалари бўйича 2,1-4,0 минг м²/га юқори бўлгани аниқланди.

Дуккакли дон экинларининг, шу жумладан мош ўсимлигининг энг муҳим хусусиятларидан бири симбиоз жараёнида туганак бактериялари ёрдамида ҳаводаги азотни биологик азотга ўзлаштиртира олиши ҳисобланади. Дуккакли дон экинларининг маҳсулдорлиги асосан дуккакли экинларда ризобиум бактерияларида симбиоз жараёнининг жадал кечиши ва ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириш кўрсаткичи билан баҳоланади. Тажрибада ризобиум бактериялар таъсирида ҳосил бўлган туганакларнинг сони нитрагин билан ишлов берилмаган вариантларда 19,1-27,9 донани ташкил этди. Туганаклар сони нитрагин билан ишлов берилган вариантларда ўртача 26,5-34,2 донани ташкил этди. Нисбатан юқори кўрсаткич 34,2 дона мош 60×20-1 схемада экилган вариантда қайд этилди.

Тажрибада мош ўсимлиги такрорий экин сифатида етиштирилганда 1 дона ўсимликдаги дуккаклар сони одатдаги шароитда 10,2-23,5 донагача бўлди. Нисбатан юқори кўрсаткич 23,5 дона дуккак мош такрорий экин сифатида 60×20-1 схемада экилган шароитда кузатилди. Нисбатан паст кўрсаткич эса 10,2 дона дуккак мош такрорий экин сифатида 60×5-1 схемада экилган шароитда қайд этилди. Такрорий экин сифатида экилган мош ўсимлигида бир дона дуккакда шаклланган донлар сони бўйича ҳам нисбатан юқори кўрсаткичлар 18,3 дона дон уруғ 60×20-1 см схемада экилган шароитда кузатилди, яъни озикланиш майдони катта бўлган шароитда қайд этилди. Дуккакдаги донлар сонининг ортиши маълум даражада доннинг майдалашишига, яъни 1000 дона дон вазнининг пасайишига олиб келди. Такрорий экилган мош ўсимлигида 1000 дона дон вазни уруғ 60×20-1 см схемада экилган шароитда 58 грамм, уруғ 60×5-1 см схемада экилган шароитда эса 64 г ташкил этди (6-жадвал).

6-жадвал

Такрорий экилган мош ўсимлигида ҳосил элементларининг шаклланиши (2015-2017 йй.)

Кўринишлар	Экиш схемаси, см	1 та ўсимликдаги дуккаклар сони, дона	1 та дуккакдаги донлар сони, дона	1000 дона доннинг вазни, г	1 та дуккакдаги дон вазни, г	1 та ўсимликдаги дон вазни, г
Нитрагинсиз	60×20-1	23,5	18,3	58	1,06	24,9
	60×15-1	19,7	16,7	60	1,02	20,1
	60×10-1	14,1	14,6	62	0,91	12,8
	60×5-1	10,2	13,2	64	0,84	8,5
Нитрагинли	60×20-1	25,1	19,1	59	1,12	28,1
	60×15-1	22,0	17,9	61	1,09	24,0
	60×10-1	15,6	15,2	63	0,95	14,8
	60×5-1	11,5	13,7	64	0,87	10,0

Нитрагин қўллаш такрорий экилган мош ўсимлигида ҳосил элементларининг барча кўрсаткичлари нитрагин қўлланилмаган одатдаги вариантларга нисбатан юқори бўлди. Нитрагин қўллаш ҳисобига мош ўсимлигида 1 дона ўсимликдаги дуккаклар сони 1,3-14,9 донагача ошди.

Демак, такрорий экин сифатида мош экини етиштирилганда ўсимлик биологик фаол моддалар билан, хусусан нитрагин препарати билан ишлов берилганда, ўсимликда барча физиологик жараёнлар, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади, моддалар алмашинуви ва азот тизими яхшиланади, натижада ҳосил элементларининг шаклланиши сезиларли даражада ортади.

Тажрибада мошнинг дон ҳосилдорлиги нитрагин қўлланилган барча вариантларда одатдаги нитрагин қўлланилмаган вариантларга нисбатан юқори бўлди. Нитрагин қўлланилган вариантларда дон ҳосилдорлиги вариантлар бўйича 21,5-25,6 ц/га ташкил этди. Мош экинидан энг юқори дон ҳосили 25,6 ц/га 6-вариантда, яъни уруғ нитрагин билан ишлов берилиб, 60×15-1 см схемада экилган шароитда кузатилди. Бу вариантда бошқа вариантларга нисбатан 2,0-8,6 ц/га қўшимча дон ҳосили етиштирилди (7-жадвал).

Такрорий экилган мош ўсимлигида дон ҳосилдорлиги (2015-2017 йй.)

Кўринишлар	Экиш схемаси, см	Дон ҳосилдорлиги, ц/га			
		2015 йил	2016 йил	2017 йил	ўртача
Нитрагинсиз	60×20-1	18,0	19,4	18,6	18,7
	60×15-1	19,3	20,6	20,2	20,0
	60×10-1	18,6	19,7	19,0	19,1
	60×5-1	16,2	17,7	16,8	17,0
Нитрагинли	60×20-1	21,2	24,0	21,9	22,4
	60×15-1	24,5	26,3	25,2	25,3
	60×10-1	22,4	25,2	23,1	23,6
	60×5-1	20,3	23,4	21,0	21,6
ЭКФ _{05, s/ga}		0,95	1,07	1,02	
Sx%		4,73	4,96	4,85	

Диссертациянинг “Асосий ва такрорий экин сифатида дуккакли дон экинлар етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган еттинчи боби 2 та бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида соя навларини етиштиришда иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилди.

Иқтисодий самарадорлик барча тажрибаларда қабул қилинган бугунги кундаги замонавий нархлар бўйича ҳисобланди. Назорат вариантыда ўғит қўлланилмаганда рентабеллик даражаси навлар бўйича 38,0-39,2% ни ташкил қилди. Фосфор меъёри 100 ва калий меъёри 50 кг қўлланилганда рентабеллик даражаси юқори бўлиб 53,6-74,8% ни ташкил қилди.

Тажрибада минерал ўғит нитрагин билан бирга қўлланилганда иқтисодий самарадорлиги “Орзу” навида рентабеллик даражаси 74,5%, “Узбекская-2” навида эса 85,2% га юқори бўлгани кузатилди. Нитрагинсиз тажрибага нисбатан олинган умумий даромад, соф даромад, рентабеллик даражасини ошиши ва дон таннархини пасайиши қайд қилинди. Шунингдек, соя навлари асосий экин сифатида турли усул ва экиш меъёрида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори баҳоланди. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида “Узбекская-6” навида энг юқори рентабеллик - 120,2 %, “Узбекская-2” навида - 115,8 %, “Орзу” навида эса - 113,6 % ташкил этди.

Мош навлари такрорий экин сифатида етиштирилганда турли муддатларда ҳар хил меъёрда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди ва бунда навларда юқори меъёрда экилганда рентабеллик даражаси юқори бўлганлиги кузатилди. “Радость” навида рентабеллик даражаси экиш меъёрлари бўйича 62,5-74,1-63,4 %, “Дурдона” навида - 61,9-67,1-66,1 %, “Зилола” навида эса - 66,8-75,8-69,9 % ташкил қилди.

Барча вариантларда бир килограмм мош донининг таннархи энг арзони гектарга 30 килограмм уруғ сарфлаб экилганда аниқланди. Иқтисодий самарадорлик бўйича батафсил маълумотлар диссертацияда келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Минерал ўғитлар ва нитрагин штамлари соя навларининг ўсишига таъсир кўрсатди. Минерал ўғит эвазига навлар бўйича поя баландлиги 11,7-18,0 см, минерал ўғит ва нитрагин қўлланилганда 14,0-20,7 см юқори бўлган. Энг юқори кўрсаткич P₁₀₀K₅₀ кг/га меъёрда қўлланилганда қайд қилинди.

2. Соя навларининг фотосинтетик фаолиятига минерал ўғит меъёрлари ва нитрагин таъсир кўрсатиб барг юзаси навлар бўйича 36,3-51,3 минг м²/га ташкил қилди, фотосинтез маҳсулдорлиги – 5,90-6,70 г/м² ташкил қилди. Фотосинтетик имконияти (ФСИ) “Орзу” навида 2,24-2,97 млн. м² кун/га, “Узбекская-2” навида 2,58-3,44 млн. м² кун/га ва “Узбекская-6” навида 2,63-3,33 млн. м² кун/га ташкил қилди.

3. Соя навлари етиштирилганда тупроқ унумдорлиги тупроқнинг ҳайдалма қатламида қолдириладиган илдиз масса эвазига органика билан бойитилади, вақт ўтиб бу чириндига айланади. Қўлланилган минерал ўғитлар ва нитрагин илдизни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб тупроқда навлар бўйича 28,8-51,5 ц/га илдиз масса қолдирилди.

4. Такрорий экилган соя навларининг кўк масса ҳосили қўлланилган минерал ўғитлар ва нитрагинга боғлиқ бўлиб, “Орзу” навида – 169,0-246,0 ц/га, “Узбекская-2” навида – 206,3-264,0 ц/га ва “Узбекская-6” навида – 226,5-317,5 ц/га ташкил қилди. Барча навларда энг юқори кўк масса ҳосили Р₁₅₀К₁₀₀ кг/га меъёр қўлланилганда кузатилди. “Орзу” навининг куруқ масса ҳосили – 37,0-78,4 ц/га, “Узбекская-2” навида – 47,7-68,5 ц/га, “Узбекская-6” навида – 54,1-78,4 ц/га ни ташкил қилди.

5. Минерал ўғит ва нитрагин қўлланилганда “Орзу” навининг дон ҳосили 14,9-20,3 ц/га, “Узбекская-2” навида – 16,5-23,2 ц/га ташкил қилди. Юқори дон ҳосили Р₁₀₀К₅₀ кг/га меъёр қўлланилганда кузатилди. Тажриба кўринишларида нитрагин эвазига ўртача 3,0 ц/га дон ҳосили олинди. Минерал ўғит ва нитрагин бирга қўлланилганда дон ҳосили навлар бўйича 15,7-23,2% ошганлиги қайд қилинди. Дон чиқиши кўринишлар бўйича 57,0-67,0 % ташкил қилди.

6. Экиш усули ва меъёрлари соя навларининг барг юзасининг шаклланишига таъсир кўрсатиб, Узбекская-6 навида кенг қаторлаб экилганда экиш меъёрлари ошиши эвазига 4-9 минг м²/га, Узбекская-2 навида – 11-6 минг м²/га, Орзу навида – 11-8 минг м²/га юқори бўлди. Навлар тор қаторлаб экилганда туп сони ошиши эвазига гектар ҳисобида барг юзаси Узбекская-6 навида – 48,0 минг м²/га, Узбекская-2 навида – 45,0 минг м²/га ва Орзу навида – 35 минг м²/га ташкил қилди.

7. Соя навлари баҳорда экилганда экиш усули ва экиш меъёрлари кесимида кўк масса ҳосили Узбекская-6 навида кенг қаторлаб экилганда – 274-396 ц/га, Узбекская-2 навида – 241-343 ц/га ва Орзу навида – 171-208 ц/га ни ташкил қилиб, тор қаторлаб экилганда навларга тегишлича: 410-430, 360-415 ва 211-277 ц/га ташкил қилди.

8. Дон ҳосили экиш усули ва экиш меъёрлари бўйича Узбекская-6 навида – 28,0-38,0 ц/га, Узбекская-2 навида – 25,0-32 ц/га ва Орзу навида – 19,3-27,5 ц/га ташкил қилди. Экиш усули ва меъёрлари дон сифатига таъсир кўрсатиб, оксил миқдори кенг қаторлаб экилганда экиш меъёрлари ошиши эвазига 43 % дан 41 % гача камайган, Узбекская-2 навида 42 % дан 40 % гача камайганлиги кузатилди. Навлар тор қаторлаб экилганда оксил миқдорини камайганлиги аниқланди. Бу қалин экилганда экинзорларда ҳаво ҳарорати ва намлигини ўзгаришига боғлиқ бўлди.

9. Мош навларини ҳар хил муддатда ва меъёрда экилиши ўсимликларнинг илдиз тизимини ривожланишига таъсир кўрсатиб, “Радость” навида 25/VI

экилганда илдиз массаси меъёрлар бўйича – 21,7-24,3 ц/га, Дурдона навида – 22,9-23,9 ц/га ва Зилола навида – 23,3-26,5 ц/га ташкил қилди. Бундан кеч экилганда илдиз массаси навлар бўйича 0,8-2,7 ц/га камайганлиги аниқланди.

10. Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиб, бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш учун такрорий экинлар етиштирилади. Тажрибада мош навлари ҳар хил муддатларда ва меъёрларда экилиб энг юқори дон ҳосили эрта экиш муддатида (25/VI) экилганда “Радость” навида меъёрлар бўйича – 19,2-24,8 ц/га, Дурдона навида – 18,7-24,4 ц/га, Зилола навида – 18,5-27,5 ц/га олинди. Бундан кеч экилган вариантларда ҳосил пастроқ бўлгани кузатилди.

11. Такрорий экилган мош экинида нитрагин ўсимликни ривожланишига ва ҳосил элементларига, ҳосил шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди. Нитрагин эвазига мошнинг дуккаклар сони 1,5-2,3 дона, дон вазни 1,5-3,5 г, 1000 дона доннинг вазни 5 г ошганлиги қайд этилди.

12. Такрорий экин сифатида мош 60x15-1 схемада экилган шароитда нитрагин қўллаш натижасида 1 та ўсимликда шаклланган туганаклар сони 37,4 донани, дон ҳосилдорлиги эса 25,3 ц/га.ни ташкил этди. Назорат вариантга нисбатан 6,7 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

13. Соя навлари такрорий экин сифатида экилганда энг юқори иқтисодий самарадорлик соф даромад 6674 минг сўм/га, рентабеллик 74,8% соянинг “Узбекская-2” нави минерал ўғитлар нитрагин билан биргаликда қўлланилган 8-вариантда қайд этилди. Баҳорда экилганда энг юқори иқтисодий самарадорлик соф даромад 11 670 минг сўм/га рентабеллик кўрсаткичи 115,8 % соянинг “Узбекская-2” навида қатор оралари 60 см эгатларда 400 минг унувчан уруғ экилган вариантларда кузатилди.

14. Тажрибада ўрганилган иқтисодий самарадорлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар маҳсулот сотишдан олинган ялпи даромад 21 600 минг сўм/га, соф даромад 9 310 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 75,8 %, мошнинг маҳаллий “Зилола” нави нисбатан эрта муддатларда 30 кг/га экилган шароитда қайд этилди. Бу вариантда маҳсулот таннархи 4 551,9 сўмни ташкил қилди.

15. Республикамининг суғориладиган майдонларидан оқилона фойдаланиш, Тошкент вилояти типик бўз тупроқлар шароитида оқили юқори миқдорда дон етиштириш мақсадида:

соянинг эртапишар “Орзу” ва ўртапишар “Узбекская-2” навларини буғдойдан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида дон етиштиришда минерал ўғитларни $P_{100}K_{50}$ меъёрларда қўллаш, кечпишар “Узбекская-6” навини тўйимли кўк масса ҳосилини етиштиришда минерал ўғитларни меъёрини $P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўллаш тавсия этилади;

соя навлари баҳорда экилганда юқори дон ҳосилини навлар кесимида – 27,5-38,0 ц/га етиштириш мақсадида кенг қаторлаб қатор ораси 60 см қилиб экиш, юқори кўк масса (171-411 с/га) ҳосилини етиштириш учун тор қаторлаб экиш тавсия этилади;

мош навларини такрорий етиштиришда гектарига 30 кг уруғ сарфлаб 25 июнда экиш ҳамда ҳосилни оширадиган, дон сифатини яхшилайдиган, маҳсулот таннархини арзонлаштирадиган нитрагиннинг *Phaseolus radiatus* 148 штаммларини қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ИСРАИЛОВ ИНОМ АБДУРАХМОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ВЫСОКОГО И КАЧЕСТВЕННОГО УРОЖАЯ ЗЕРНОБОБОВЫХ
КУЛЬТУР В УСЛОВИЯХ ОРОШЕНИЯ**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSC) СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора (DSc) наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки инноваций Республики Узбекистан за номером B2025.1.DSc/Qx.186

Диссертация доктора наук (DSc) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.


Автореферат диссертации доктора наук (DSc) на трёх языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Атабаева Халима Назаровна доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Махматмуродов Алишер Улмасович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Халилов Насриддин доктор сельскохозяйственных наук, профессор Ёрматова Дилорам доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт зерновых и бобовых культур


Защита диссертации доктора наук (DSc) состоится 5 апреля 2025 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, дом-2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 552099). (Адрес: 100164, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, дом-2. Информационно-ресурсный центр Ташкентского государственного аграрного университета. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «14» марта 2025 года.
(протокол реестра за номером 13 от «14» марта 2025 года).

 **У.Норкулов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

 **А.А.Курбонов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., доцент



 **М.С.Рахманкулов**

Председатель научного семинара по присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день важное значение имеет повышение урожайности и качества зерна зернобобовых культур, в том числе сои и маша, в удовлетворении потребностей населения мира в высокоценных продуктах питания и белке. Как известно, в мировом земледелии по площади посева соя занимает первое место среди зернобобовых культур и выращивается на площади около 135 млн. га, а маш более чем на 8 млн. га¹. Основными странами-производителями сои являются Бразилия (39 %), США (29 %), Аргентина (12 %), Китай (5 %) и Индия (3,0 %)², а к основным производителям маша относятся Индия, Мьянма, Китай, Индонезия, Пакистан. По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (ФАО) в настоящее время миллионы людей недоедают. Для решения этой проблемы, с целью обеспечения продовольственной безопасности населения в целом, полного удовлетворения потребностей животноводства в кормовой продукции, а также сохранения плодородия почвы актуальным является внедрение научно обоснованных агротехнологий при возделывании сои и маша с эффективным использованием орошаемых земель, разработкаресурсосберегающих технологий, повышающих урожайность культур и улучшающих качество зерна.

В истории мирового земледелия большое внимание уделяется выращиванию двух-трех урожаев сельскохозяйственных культур в год с применением энерго-, ресурсо-, средствосберегающих современных технологий, эффективным использованием солнечной энергии и посредством этого непрерывному обеспечению населения продовольственной продукцией, выращиванию экологически чистой продукции, решению проблемы дефицита белка. В этой связи важное значение имеют исследования, направленные на разработку инновационных технологий, обеспечивающих выращивание высокого и качественного урожая сои и маша.

На сегодняшний день в нашей республике в качестве основной культуры соя выращивается на площади 132628 гектаров, а маш на 14002 гектаров и в качестве повторной культуры на площади 206172 гектаров, а также на 7866 гектарах между садами и виноградниками. Узбекистан в настоящее время занимает второе место в мире по экспорту маша³. В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года в Стратегии развития сельского хозяйства на 2020-2030 годы отдельное внимание уделено «рациональному использованию земельных и водных ресурсов», где отмечены важные стратегические задачи, направленные на последовательное развитие сельского хозяйства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного

¹ <https://www.aciar.gov.au/media-search/blogs/future-mungbean-international-mungbean-congress-2024>

² <https://fas.usda.gov/data/production/commodity/2222000>

³ <https://www.tridge.com/intelligences/mung-bean/export>

потенциала аграрного сектора. С этой точки зрения одной из важных задач, стоящих перед аграрным сектором является применение оптимальных сроков, способов посева и нитрагина, разработка научно обоснованной системы агротехнологических мероприятий возделывания повторных культур, обеспечивающих выращивание высокого урожая зерна с сортов сои и маша в условиях орошаемых типичных сероземных почв нашей республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-5303 от 16 января 2018 года «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны», Постановлении Кабинета Министров № ПКМ-259 от 29 марта 2019 года «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства продукции под урожай 2019 года», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации. Научные исследования, направленные на ускорение роста, развития зернобобовых культур сои и маша, повышение и усовершенствование потенциала урожайности, показателей качества проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, таких, как научно-исследовательские центры департамента сельского хозяйства США (USDA-ARS), Национальный институт сельскохозяйственных технологий (Аргентина), Агентство сельскохозяйственных технологий Паулиста (Бразилия), Department of Agriculture and Agri-Food Agriculture Agroalimentare Canada (Канада), Индийский сельскохозяйственный университет (Индия), Российский научно-исследовательский институт масличных культур имени В.С.Пустовойта (Россия), Национальная академия аграрных наук Украины (Украина), Японский университет Ниигата (Япония), Сельскохозяйственная академия Хейлуйсеян (Китай), Научно-исследовательский институт зерна и зернобобовых культур, Научно-исследовательский институт рисоводства, Ташкентский государственный аграрный университет (Узбекистан).

В последние годы в Департаменте сельского хозяйства Соединенных Штатов Америки основное внимание направлено на выращивание экологически чистой продукции, а также развитие органического земледелия. Вместе с тем, большое внимание уделено селекции, семеноводству и агротехнологии выращивания сои. В департаменте сельского хозяйства Бразилии и научно-исследовательских институтах в области сельского хозяйства основное внимание направлено на создание высокоурожайных гибридов сои и использованию достижений биотехнологии, созданию

генномодифицированных организмов (ГМО). В Индийском сельскохозяйственном университете (Индия) научно-исследовательские работы направлены в основном на повышение урожайности маша, улучшение качества, повышение устойчивости растений к жаре и засухе. В Российском научно-исследовательском институте масличных культур (Россия) проведены научно-исследовательские работы по выведению высокоурожайных сортов с высоким содержанием белка и масла. Вместе с тем, в Научно-исследовательском институте рисоводства и Научно-исследовательском институте зерна и зернобобовых культур (Узбекистан) осуществлены научные исследования по технологии возделывания сои и маша, улучшению качества зерна, повышению содержания растительного масла и белка в составе зерна.

На сегодняшний день в зарубежных странах, с целью обеспечения населения богатой белком качественной продовольственной продукцией проводятся исследования по повышению плодородия почвы и урожайности культур при выращивании зернобобовых культур, а также улучшению показателей технологического качества зерна в следующих направлениях: применение ресурсосберегающих технологий возделывания повторных культур при повышении эффективности использования освобождаемых от озимых зерновых культур площадей, научное обоснование и разработка элементов и агромероприятий оптимальной агротехнологии, обеспечивающей выращивание экологически чистого, а также высокого и качественного урожая с сортов сои и маша.

Степень изученности проблемы. В зарубежных странах по изучению селекции, семеноводства и ресурсосберегающих технологий возделывания культур сои и маша в различных почвенно-климатических условиях и с учетом биологических особенностей сортов проводили научные исследования такие зарубежные ученые, как S.L.Clement, Carolina Astudillo-Reyes, A.Rivera, M.Plans, J.Sabaté, F.Casañas, E.Bitocchi, E.Bellucci, A.Giardini, D.A.Baum, S.D. Smith, A.J.Cortés, F.Monserrate, J.Ramírez, J.Salcedo-Castaño, Araya-Villalobos, P.N.Sharma, по взаимосвязи признака закладки нижнего боба с приспособленностью к механизации осуществляли работы В.Ф.Баранов, С.М.Березовская, Н.Ф.Гринев, А.Й.Некрасов, М.В.Трунова, А.В.Кочегура, Н.Ф.Григорчук, А.Н.Созонова, по определению содержания белка и масла в составе зерна сои В.В.Толоконников, Л.Й.Новикова, И.В.Сеферова, А.Й.Некрасов, И.Н.Перчук, Т.В.Шеленга, М.Г.Самсонова, М.А.Вишнякова, О.В.Литвиненко, Й.С.Стаценко, Н.Й.Корнева, Г.В.Кубанкова, Г.А.Кодирова, N.Bellaloui, H.A.Brunns, H. K.Abbas, A.Mengistu, D. K.Fisher, K.N.Reddy, W.Song, R.Yang, T.Wu, C.Wu, S.Sun, S.Zhang, T.Han.

По выращиванию зерновых и зернобобовых культур в качестве основной и повторной культуры на орошаемых площадях нашей республики проводили широкомасштабные научные исследования такие ученые, как Х.Н.Атабаева, Д.Ёрматова, М.Маннопова, Р.Сиддиков, Н.Халилов, Б.Халиков, Н.Уразматов, М.Сатторов, С.Негматова, Ф.Намозов, А.Иминов, Н.Умарова, Н.Равшанова, Л.Халилова.

Однако, в условиях староорошаемых типичных сероземных почв на повторных посевах сои и маша не были определены оптимальные сроки, нормы, способы посева, а также не разработаны научные основы применения минеральных удобрений и нитрагина и исследования в этом направлении проводились недостаточно.

